

ДАНАК МЕВАЛИ КЎЧАТЛАР АГРОБИОЦЕНОЗИДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ТУР ТАРКИБИ ВА УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Акромов Бахтияр Акмалович

Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институти қ.х.ф.н., к.и.х.

<https://orcid.org/0000-0003-1024-7296>

Нуржобов Акбар Ўткир ўғли

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти

таянч докторанти

<https://orcid.org/0009-0005-6952-2143>

Аннотация. Ушбу мақолада данак меваги кўчатлардан: гилос, шафтоли, ўрик ҳамда олхўри ўсимликлари агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби ва учраш даражаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: данак меваги кўчатлар, гилос, шафтоли, ўрик ҳамда олхўри зараркунандалари, учраши, зарари, тарқалиши.

Аннотация. В данной статье представлена информация о видовом составе и степени встречаемости вредителей, обнаруженных в агробиоценозах саженцев косточковых плодовых культур: вишни, персика, абрикоса и сливы.

Ключевые слова: саженцы косточковых плодовых культур, вредители вишни, персика, абрикоса и сливы, встречаемость, вредоносность, распространение.

Abstract. This article presents information on the species composition and incidence of pests found in agrobiocenoses of seedlings of stone fruit crops: cherry, peach, apricot and plum.

Keywords: seedlings of stone fruit crops, pests of cherry, peach, apricot and plum, occurrence, harmfulness, distribution.

Кириш. Сўнгги йилларда ер юзида иқлимнинг глобал ўзгариши, аҳоли сонининг шиддат билан ўсиши, ишлаб чиқариш жараёнининг жадаллашиши кузатилаётган бир даврда, барча соҳалар каби озиқ-овқат етиштириш саноатида қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинларнинг ҳосилдор, сифат кўрсаткичи юқори бўлган навларини хориждан олиб келиш, республикамиз ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган, серҳосил маҳаллий навлар дурагайлари кўпайтиришни жадаллаштириш ҳамда экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, ушбу йўналишда ҳуқуқий асос яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 ноябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-877-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6262-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги “2023 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида уруғчилик ва кўчат етиштиришни ривожлантириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМҚ-51-сонли қарори эълон қилинган.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудларида етиштирилаётган данак меваги кўчатлар агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг зарар келтириш даражаси сезиларли даражада ортиб бормоқда. Шу сабабли, данак меваги кўчатларда учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби ва учраш даражасини аниқлаш мақсадида маршрутли кузатув ишлари олиб борилди.

Тадқиқот жойи, объекти ва усуллари. Тадқиқотлар Қашқадарё вилояти, Қарши тумани, академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё илмий-тажриба станциясида етиштирилаётган данак меваги кўчатлар биоценозида учрайдиган зараркунандаларни тур таркиби ҳамда учраш даражасини аниқлаш К.К.Фасулати ва Г.Я.Бей-Биенко услублари асосида олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра данак меваги кўчатлар агробиоценозида 14 турдаги зараркунандалар учраши аниқланди (жадвал).

Гилос кўчатлари агробиоценозида ўргимчаккана – *Tetranychus urticae* Koch. ва акация шираси – *Aphis craccivora* Koch. кўп миқдорда, боғ ўргимчакканаси – *Schizotetranychus pruni* Oudms., қизил қон шираси – *Eriosoma lanigerum* Hausm., шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси – *Myzodes persicae* Sulz., катта шафтоли тана шираси – *Pterochloroides persicae* Choi., ўткир елкали қандали – *Carpocoris coreanus* Uranus., яшил бронза кўнғизи – *Potosia marginicollis* Pall. ҳамда кулранг куртак узунбуруни – *Sciaphobus squalidus* Gyll. ўртача миқдорда учраши кузатилди.

Дўлана канаси – *Amphyttetranychus viennensis* Zacher., яшил олма шираси – *Aphis pomi* Deg., гунафша рангли қалқондор – *Parlatoria oleae* Colvée., акация сохта қалқондори – *Parthenolecanium corni* Bouche. ва май бузоқбоши кўнғизи – *Melolontha hippocastani* кам миқдорда тарқалиши аниқланди.

Шафтоли кўчатзорларида яшил олма шираси – *Aphis pomi* Deg., қизил қон шираси – *Eriosoma lanigerum* Hausm., акация шираси – *Aphis craccivora* Koch. ва шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси – *Myzodes persicae* Sulz. кўп миқдорда, боғ

Данак мевали кўчатлар агробиоценозида учрайдиган зараркундаларнинг тур таркиби ва учраш даражаси
(Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг
Қашқадарё ИТС 2023-2024 йй)

№	Зараркундаларнинг номи	Экин тури			
		гилос	шафтоли	ўрик	олхўри
1.	Ўргимчаккана - <i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+++	+	-	-
2.	Боғ ўргимчакканаси - <i>Schizotetranychus pruni</i> Oudms.	++	++	-	-
3.	Дўлана канаси - <i>Amphytetranychus viennensis</i> Zacher.	+	++	-	+
4.	Яшил олма шираси - <i>Aphis pomi</i> Deg.	+	+++	+++	-
5.	Қизил қон шираси - <i>Eriosoma lanigerum</i> Hausm.	++	+++	+++	++
6.	Акация шираси - <i>Aphis craccivora</i> Koch.	+++	+++	+++	+++
7.	Шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси - <i>Myzodes persicae</i> Sulz.	++	+++	+++	++
8.	Катта шафтоли тана шираси - <i>Pterochloroides persicae</i> Choi.	++	++	+	+
9.	Гунафша рангли қалқондор - <i>Parlatoria oleae</i> Colvee.	+	++	+	++
10.	Акация сохта қалқондори - <i>Parthenolecanium corni</i> Bouche.	+	++	+	+++
11.	Ўткир елкали қанда - <i>Carpocoris coreanus</i> Uranus.	++	++	++	++
12.	Май бузоқбоши қўнғизи - <i>Melolontha hippocastani</i> .	+	+	+	+
13.	Яшил бронза қўнғизи - <i>Potosia marginicollis</i> Pall.	++	++	++	+
14.	Кулранг куртак узунбуруни - <i>Sciaphobus squalidus</i> Gyll.	++	+	+	+

Изоҳ: - учрамади, + кам сонда учради, ++ ўртача миқдорда учради, +++ кўп сонда учради.

ўргимчакканаси – *Schizotetranychus pruni* Oudms., дўлана канаси – *Amphytetranychus viennensis* Zacher., катта шафтоли тана шираси – *Pterochloroides persicae* Choi., гунафша рангли қалқондор – *Parlatoria oleae* Colvee., акация сохта қалқондори – *Parthenolecanium corni* Bouche., ўткир елкали қанда – *Carpocoris coreanus* Uranus. ҳамда яшил бронза қўнғизи – *Potosia marginicollis* Pall. ўртача, ўргимчаккана – *Tetranychus urticae* Koch., май бузоқбоши қўнғизи – *Melolontha hippocastani*. ва кулранг куртак узунбуруни – *Sciaphobus squalidus* Gyll. кам миқдорда тарқалиши кузатилди.

Ўрик кўчатзорларида яшил олма шираси – *Aphis pomi* Deg., қизил қон шираси – *Eriosoma lanigerum* Hausm., акация шираси – *Aphis craccivora* Koch. ва шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси – *Myzodes persicae* Sulz. кўп миқдорда, ўткир елкали қанда – *Carpocoris coreanus* Uranus. ҳамда яшил бронза қўнғизи – *Potosia marginicollis* Pall. ўртача, катта шафтоли тана шираси – *Pterochloroides persicae* Choi., гунафша рангли қалқондор – *Parlatoria oleae* Colvee., акация сохта қалқондори – *Parthenolecanium corni* Bouche., май бузоқбоши қўнғизи – *Melolontha hippocastani*. ва кулранг куртак узунбуруни – *Sciaphobus squalidus* Gyll. эса кам миқдорда учраши аниқланди.

Олхўри кўчатлари агробиоценозида дўлана канаси –

Amphytetranychus viennensis Zacher., катта шафтоли тана шираси – *Pterochloroides persicae* Choi., май бузоқбоши қўнғизи – *Melolontha hippocastani*., яшил бронза қўнғизи – *Potosia marginicollis* Pall. ва кулранг куртак узунбуруни – *Sciaphobus squalidus* Gyll. кам миқдорда, қизил қон шираси – *Eriosoma lanigerum* Hausm., шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси – *Myzodes persicae* Sulz., гунафша рангли қалқондор – *Parlatoria oleae* Colvee. ҳамда ўткир елкали қанда – *Carpocoris coreanus* Uranus. ўртача миқдорда, акация шираси – *Aphis craccivora* Koch. ва акация сохта қалқондори – *Parthenolecanium corni* Bouche. кўп миқдорда учраган бўлса ўргимчаккана – *Tetranychus urticae* Koch. ва боғ ўргимчакканаси – *Schizotetranychus pruni* Oudms. ҳамда яшил олма шираси – *Aphis pomi* Deg. учрамаганлиги кузатилди.

Хулоса. Тадқиқотлар давомида данак мевали кўчатлар агробиоценозида 14 турдаги зараркундаларнинг учраши аниқланди, бу зараркундаларнинг тур таркиби, тарқалиш ареали ҳамда биоэкологик ривожланиш хусусиятларини ўрганиш асосида уларга қарши химоя қилиш чораларини ишлаб чиқишда, зараркундаларнинг иқтисодий зарар миқдор мезони ўрганилиб, аниқланганидан сўнг, уларга қарши турли кимёвий синфга мансуб препаратларни қўллаш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бей - биенко Г.И. Определитель насекомых Европейской части СССР в том «I» низший, древнекрылые, с неполным превращением. М.Л.: Наука, 1964.- С. 205 - 846.
2. Бей - биенко Г.И. Определитель насекомых Европейской части СССР в вторая часть «V» том двукрылые, блохи. М.Л.: Наука, 1970. - С. 678 - 798.
3. Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. - Москва: Колос, 1984. - 398 с.
4. Фасулати К. К. Полевое изучение наземных беспозвоночных. - М.: Высшая школа, 1971. - С. 40- 424.
5. Фасулати К.К. Экология и хозяйственное значение насекомых. – Л., 1961. - 231 с.
6. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган химоя қилиш тизимининг асослари (IV нашр). - Тошкент: Янги нашр, 2019. - 375 б.

CHETDAN KELTIRILGAN NEMIS SELEKSIYASIGA MANSUB GOLSHTIN ZOTLI SIGIRLARNI OZIQLANTIRISH

Xoljigitov Asqar Marifjonovich

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining

Toshkent filiali tadqiqotchisi

<https://orcid.org/0009-0007-5507-4364>

Annotatsiya. Tajriba uchun Germaniya davlatidan olib kelingan 3-4-oylik bo'g'ozlikdagi nemis seleksiyasiga mansub sigirlardan 30 boshi vazniga ko'ra 3 guruhga bo'lib, har guruhga 10 boshdan tanlab olindi. Sigirlar tuqqanidan 10 kun o'tib, ya'ni og'iz sutidan chiqib asosiy sutga o'tgandan so'ng I-guruh AR+10% asosiy ratsionni umumiy to'yimligini 10 % ga, II guruh AR+15 % ga oziqa ratsioni to'yimligini oshirish asosida III guruh AR xo'jalikdagi mavjud oziqlar oziqlantirish ratsioni bo'yicha oziqlantirildi. Tajribadagi III guruh sigirlariga o'rtacha 18,43 kg EOB sarflanib, tengqurlari I guruh sigirlariga nisbatan 9,03% ga, II guruhga mansub sigirlar esa tengqurlaridan 13,35% ga kam bo'ldi. Oziqlantirish ratsionida quruq modda III guruhda 2020 g tashkil qilib, I guruh 10,22 5%, II guruh 12,93 % ortiqcha quruq modda sarfladi. Oziqlantirish ratsioni tarkibida hazmlanuvchi protein I guruh sigirlari III guruh tengdoshlariga nisbatan 8,9 %, II guruh sigirlari esa 12 % oratiqcha sarflandi.

Kalit so'zlar: omuxta em, sut va go'sht, sersut qilishda, sut yog, sut oqsil, EOB, oziqa birligi, quruq modda.

Abstract. For the experiment, 30 cows of German selection, imported from Germany, aged 3-4 months, were divided into 3 groups according to their weight, and 10 cows were selected for each group. On the 10th day after calving, i.e., after transitioning from colostrum to main milk, Group I was fed according to the existing feeding ration of the farm, based on an increase in the total nutritional value of the main ration AR+10% by 10%, and Group II by AR+15%. Cows in Group III of the experiment consumed an average of 18.43 kg of EOB, which is 9.03% less than cows in Group I and 13.35% less than cows in Group II. The dry matter content in the feeding ration in group III was 2020 g, with group I consuming 10.22%, while group II consumed 12.93% of excess dry matter. Digestible protein in the diet of cows in group I was 8.9% more than in cows in group III, and in cows in group II it was 12% more.

Ключевые слова: омукта является кормом, молоком и мясом, молоком, молочным жиром, молочным белком, EOB, пищевой единицей, сухим веществом.

Аннотация. Для эксперимента 30 голов коров немецкой селекции 3-4-месячного созревания, завезенных из Германии, были разделены на 3 группы по весу, в каждой группе было отобрано по 10 голов. Коровы через 10 дней после родоразрешения, т.е. после перехода с молозива на основное молоко, кормили по существующему в хозяйстве кормовому рациону на основе повышения общей питательности основного рациона AP+10% на 10%, AP+15% на II группу III группы. В опыте коров III группы в среднем было израсходовано 18,43 кг ЭОБ, что на 9,03% меньше, чем у коров I группы, а коров II группы на 13,35% меньше, чем у их сверстниц. В рационе питания сухое вещество в III группе составило 2020 г, I группа израсходовала 10,22 5%, II группа 12,93% избытка сухого вещества. В составе кормового рациона коров I группы перевариваемый белок был расходуван на 8,9% больше, чем их сверстниц III группы, а коров II группы - на 12%.

Keywords: omuxta feed, milk and meat, when making jerky, milk fat, milk protein, EOB, food unit, dry matter.

Kirish. Respublikaning barcha xo'jaliklarida chorvachilikni jadal rivojlantirish, sut va go'sht mahsulotlari ishlab chiqarishni barqaror oshirib borishda qoramolchilikni yuritish tizimini zamonaviy talablarda shakllantirish dolzarb hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasining dastlabki mustaqilliq (1991-1996) yillarida jamoa va davlat xo'jaliklarini tugatish bo'yicha o'tkazgan islohotlari natijasida jamoa chorvachiligida 2 milliondan ortiq sermahsul nasldor qoramollar xususiylashtirilib, 60 yillar mobaynida shakllantirilgan qoramolchilikning naslchilik bazasi tugatildi. Har bir xo'jalikda 300-1200 sigirlarga mo'ljallangan sutchilik komplekslari hamda har bir tumanda 3000 boshi bo'rdoqichilik korxonalari bo'sh qolib, xarobaga aylandi va buzilib ketdi. Rivojlangan chorvachilik tizimi barbad qilindi.

Chorvachilikning barcha ko'rsatkichlari 1991-2018-yillar davomida ko'tarildi. Bu ayniqsa 2016-yildan boshlab jadallashdi. Jumladan 2018-yilda qoramollar soni 1991-yilga nisbatan 2,49 baravar, shu jumladan, sigirlar soni 2,13 baravar, sut ishlab

chiqarish xajmi 3,14 baravar, go'sht 2,85 baravar, tuxum etishtirish 3,14 baravar va qorako'l terisi tayyorlash 73,4 baravarga ko'paydi.

O'zbekistonda amalga oshirilayotgan iqtisodiy, tashkiliy-texnik tadbirlar kompleksi qishloq xo'jaligi, shu jumladan, qoramolchilikni rivojlantirish, sut va go'sht mahsulotlari ishlab chiqarishni jadal-lashtirish uchun imkoniyat yaratmoqda. Keyingi ikki yil mobaynida sut va go'sht ishlab chiqarish tegshlich 9,6 % va 10,7 %-ga ko'paydi. 2021 yilda qoramollar sonini 13825 ming, sigirlarni 5065 ming bosh, sut ishlab chiqarishni 11882,5 ming, go'shtni 2433,5 ming tonnaga etkazish topshirig'i hamda Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyevning oqilona rahbarligida tadbirkor chorvadorlarimiz va fidoyi olimlarimiz mehnati bilan chorachilikda katta ijobiy o'zgarishlar va ulkan zafarlarga erishishdir.

Chorvachilikni rivojlantirish va yangi marralarga erishish ko'proq chorvador tadbirkorlar va bilimdon, ishbiarmon, fidoyi va tashabbuskor shogirdlarimizga bog'liq. Shu boisdan ularga har tomonlama ilmiy va amaliy yordam ko'rsatishimiz zarur.